

ҚУРАМА ТОҒ ТИЗМАСИНИНГ ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ҚИСМИНИНГ ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИ

Панжиев Ҳикмат Аҳадиллаевич

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Аннотация: Мақолада Чотқол-Қурама тоғ тизмасининг жануби-шарқий қисмини геологик тузилиши ёритилган. Қурама зонасининг жануби-ғарбий қисмларида габбро, диорит, гранодиорит ва гранитлар, гранит-порфирлар ва риолитли жинслар шаклланган. Қурама зонаси палеонтологик жихатдан яхши ўрганилган ва майдонда фауна флора қолдиқлари аниқланган.

Калит сўзлар: Чотқол-Қурама, габбро, гранит, диорит, гранодиорит, порфир, риолит, эйфел, живут, антиклинал, синклинал

Abstract: The article describes the geological structure of the southeastern part of the Chatkal-Kuraman Range. Gabbro, diorites, granodiorites and granites, granite-porphury and rhyolitic rocks form in the southwestern part of the formation zone. The formation zone has been well studied paleontologically, the remains of fauna and flora have been found in the area.

Keywords: Chatkal-Qurama, gabbro, granite, diorite, granodiorite, porphyry, riolit, eiffel, jivut, anticline, syncline.

Чотқол тизмасининг жанубий ва Қурама зонасининг жануби-шарқий қисмларини палеозой кесмасини ташкил қилувчи қалин қумтош-сланецли ётқизиклар ўзидан қуйида ётган ётқизиклар устига номос ётади ва кучли бурмаланишга учраган.

Чотқол букилмасининг ички қисмларида мазкур комплекс учун бир мунча юқориноқ ёш чегараси - живет ярусини намоён бўлади. Кўпчилик тадқиқотчилар ўша вақтда бу ерда куруқлик бўлган деб эътироф этишади.

Қурама зонасининг жануби-ғарбий қисмларидаги эффузив-чўкинди ётқизиклари қалинлиги жанубдан шимолга томон сезиларли даражада ўзгаради. Бу ўша вақтда қуруклик шароити айнан жанубда яъни Қорамозор ва Муғултов худудларида узоқроқ давом этганидан дарак беради.

Қуйи девон ва эйфел ярусининг иккала фацияси ётқизиклари ҳам тўлалигича ягона тарзда намоён бўлади ва бир мунча қалин (900 дан 2000-3000 м гача). Улар Чотқолнинг жанубий ва Қураманинг жануби-ғарбий қисмларида герцин тектоник ҳаракатларининг иккинчи босқичида шаклланган.

Қурама зонасининг жануби-ғарбий қисмларида—габбро, диорит, гранодиорит ва гранитлар, гранит-порфирлар ва риолитлар шаклланди.

Живет, юқори девон ва қуйи карбон ётқизиклари (D₂gv-C₁)

Чотқол-Қурама тоғ тизмаларида палеонтологик қолдиқларга бой карбонатли ётқизиклар кенг тарқалган бўлиб, иккала худуддаги мазкур ётқизиклар нафақат ётқизиклар тўпланишининг давомийлиги, яна тўлиқлилик даражаси ва кесмасининг қалинлиги ўзгариши билан ҳам фарқ қилади.

Эйфел асридан кейин бутун худуд аста-секин чўка (пасая) бошлаган, аммо қуйи девон даврида Чотқол кичик зонаси ва Қурамада антиклинал кўтарилмалар шаклланган.

Юқори палеозой вулканоген-чўкинди ётқизиклари (C₂-P₁₋₂)

Қурама зонасида юқори палеозой—кечки герцин геотектоник комплексининг вулканоген-чўкинди ҳосилалари кенг тарқалган. Чотқол зонасида эса вулканоген-чўкинди ётқизиклар фақатгина зонанинг жанубий қисмларида очилган.

Уя дарёси ҳавзасида вулканоген-чўкинди ётқизиклар туфлар, туфоген кумтошлар, конгломератлар ва оҳактошлар фауна ва ўсимлик қолдиқлари билан биргаликда учрайди.

Ўрта карбоннинг бошланишида бутун тоғли худуд бўйлаб тектоник ҳаракатлар кучайган. Тектоник ҳаракатларнинг кучайиши натижасида бир қанча магматик ва вулканоген-чўкинди свиталар шаклланди. Қуйида уларнинг қисқача таърифи келтирилади.

Уя свитаси (C_{1-2}) Свита ётқизиклари яшил-кулранг туфоқумтошлар, туфоконгломератлар, уларнинг орасида ва устида ётган органоген охактошлардан, кесманинг юқори қисмида учрайдиган ўрта ва асос таркибли туфлар ҳамда трахибазальт ва трахит лаваларидан ташкил топган. Свита ётқизикларининг умумий қалинлиги 800-1000 метргача деб баҳоланган.

Мингбулоқ свитаси (C_{1-2}) Оқбулоқ дарёсининг ҳавзасида ажратилган бўлиб, ўзгарган андезитлар ва дацитлар ва уларнинг туфларидан ташкил топган деб таърифланган. Хозирги вақтда бу свитага мансуб деб ҳисобланган вулканик жинслар Қоржантов, Чотқол, Сандалаш, Қурама тоғ тизмаларининг айрим жойларида (жумладан Теракли ва Ғовасой грабенларида) аниқланган. Свитанинг қалинлиги 500–1200 метрдан қарийб 3000 метргача деб баҳоланади.

Ақча вулканоген-чўкинди свитаси (C_{2-3} м) Свита таркибида базал конгломератлар, туфоконгломератлар, туфогравелитлар, туфоқумтошлар ва кенг тарқалган андезит ва трахиандезит таркибли лавалар, туфлар ва субвулканик ҳосилалар иштирок этади. Свита ётқизикларининг қалинлиги баъзи жойларда 100 м, баъзи жойларда 1300 метргача (хатто 2000 метрдан ортиқ ҳам) деб баҳоланади.

Надак вулканоген-чўкинди свитаси (C_{2-3}) Бу ерда свита ётқизиклари кесмасининг пастки қисмида конгломератлар, қумтошлар, алевролитлар ва уларнинг орасида жойлашган битумлашган ва кремнийлашган охактош қатламчалари кузатилади. Кесманинг бу қисмини қалинлиги 350 м. Буларнинг устида бир неча маротаба такрорланган ҳолда конгломерат, қумтош, алевролитлар, ҳамда дацит, андезидацит, трахиандезидацит, баъзан андезит, трахиандезит таркибли туфлар, игнимбритлар, лавалар кузатилади. Буларни ёриб чиққан трахиандезит–дацит таркибли субвулканик жисмлар ҳам кенг тарқалган. Қурама зонасининг турли ерларида тарқалган бу свита ётқизикларининг қалинлиги: 400 – 2500 м.

Оясой свитаси (P_1) Свита таркибида асосан риолит, трахириолит, риодацит, трахириодацит, дацит ва трахидацит таркибли туфлар ва игнимбритлар, камроқ миқдорда уларнинг лавалари иштирок этади. Риолит,

трахириолит, риодацит, трахириодацитларнинг субвулканик жисмлари (экструзив гумбазлар ва дайкалар сифатида) ҳамда гранит-порфир, граносиенит-порфирларнинг дайкалари ва майда штоксимон жисмлари ҳам кўп учрайди. Свита жинсларининг қалинлиги 250 метрдан то 3150 метргача деб баҳоланган.

Шўробсой свитаси (P_1) Хозирги вақтда Қоржантовдаги дастлаб шу ном билан ажратилган тоғ жинслари мажмуаси бошқа свитага мансублиги аниқланган. Аниқ Шўробсой свитаси деб тан олинган вулканоген ҳосилалар Чодак маъданли майдонида ва Ғовасой грабенининг марказий ўқ қисмида тарқалган. Ғовасой грабенида мазкур свитанинг кесмаси базал туфоконгломератлар, туфогравелит ва туфокумтошлардан бошланган бўлиб, асосан трахибазальт, трахиандезибазальт ва трахиандезитларнинг туфлари, автомагматик брекчиялари, лавалари ва субвулканик жисмларидан ташкил топган. Бундай ҳосилалар кесмада бир неча маротаба такрорланади. Кесманинг ўрта-юқори қисмида трахит таркибли экструзив жисм кузатилади. Кесманинг энг юқори қисмида эса трахидацит таркибли лавалар кузатилади. Бу ердаги вулканоген ётқизиқларнинг қалинлиги 1350 метрга тенг.

Қизилнура свитаси (P_1) Чотқол тоғ тизмасининг жануби-ғарбий қисмидаги Қизилнура тоғи ён бағирларида ажратилган. Бу свитанинг ёши илгари кечки пермь-эрта триас (P_2-T_1) деб ҳисобланган; ҳозирги вақтда қизилнура свитасининг ёшини баъзи тадқиқотчилар эрта пермь (P_1), баъзилар эса кечки пермь (P_2) деб ҳисоблайдилар. Свита таркибида асосан риолит, трахириолит, риодацит, трахириодацит таркибли туфлар ва игнимбритлар, камроқ миқдорда уларнинг лавалари иштирок этади. Риолит, трахириолит, риодацит, трахириодацитларнинг субвулканик жисмлари (экструзив гумбазлар ва дайкалари) ҳамда гранит-порфир, граносиенит-порфирларнинг дайкалари ва кичик штоксимон жисмлари ҳам кўп учрайди. Свита жинсларининг қалинлиги районнинг турли ерларида 65 метрдан то 750 метргача деб баҳоланган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. М.С. Абдуллаев: “Отчет о поисковых и детальных сейсморазведочных работах МОГТ-2Д в Южной части Центрального грабена и на Южном борту Ферганской впадины”, выполненных в 2004-2007 г.г. Ханкызская с/п № 16/04-07. Коканд, Фонды ФГЭ, 2007г.

2. Далимов Р.Т., Далимов Н.Р. The composite dikes of median Tien-Shan. //International Journal of Geology, Earth & Environmental Sciences, 2018. -Vol. 8. - №2. – P.1-7 (04.00.00; №7).

3. Далимов Н.Р., Ишбаев Х.Д., Курбанов А.А. Петрогенезис и рудоносность даек Шаваз-Дукентского грабена //Ўзбекистонда география долзарб масалалари. Республика микёсида илмий-амалий онлайн конференция. Термез давлат университети – Термез, 2020. – С. 15-18.

